

8-1-2020

FUNDAMENTALS OF ORGANIZATION OF PROBLEM ASSETS ACCOUNT IN COMMERCIAL BANKS

D. Toshpulatov
Uzpromstroybank JSCB

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

Recommended Citation

Toshpulatov, D. (2020) "FUNDAMENTALS OF ORGANIZATION OF PROBLEM ASSETS ACCOUNT IN COMMERCIAL BANKS," *International Finance and Accounting*: Vol. 2020 : Iss. 4 , Article 29.
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2020/iss4/29>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

Д.А.Тошпулатов
Ўзсаноатқурилишбанк АТБ

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА МУАММОЛИ АКТИВЛАР ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ АСОСЛАРИ

Мақолада тижорат банклари муаммоли активларнинг моҳияти “муаммоли актив”, “муаммоли кредит”, “ишламайдиган кредит”, “харакатсиз кредит” каби тушунчалар илмий мушоҳада қилиб ўрганилди, муаллиф ёндашуви шакллантирилди. Банкларда активлар таркиби, жумладан муаммоли активлар таркиби таҳлил қилиниб, уларни бухгалтерия ҳисобида тўғри акс эттириш аҳамияти ҳамда ҳисобга олиш жараёни ўрганилган. Муаммоли активлар ҳисобининг тўғри ташкил этилиши ва ҳисобга олиниши, улар бўйича юзага келиши мумкин бўлган зарарларни ҳисобга олиш имконини беради.

Таянч сўзлар: тижорат банки, актив, муаммоли актив, ҳисобварак, бухгалтерия ҳисоби, бухгалтерия ўтказмаси.

ОСНОВЫ ОРГАНИЗАЦИИ УЧЕТА ПРОБЛЕМНЫХ АКТИВОВ В КОММЕРЧЕСКИХ БАНКАХ

В статье исследуется сущность проблемных активов коммерческих банков как «проблемный актив», «проблемный кредит», «неработающий кредит», «бездействующий кредит» в научном наблюдении, сформирован авторский подход. Проанализирована структура активов в банках, в том числе структура проблемных активов, изучена важность их правильного отражения в бухгалтерском учете и бухгалтерском процессе. Правильная организация учёта и учет проблемных активов позволит учесть возможные потери по ним.

Ключевые слова: коммерческий банк, актив, проблемный актив, счёт, бухгалтерский учёт, бухгалтерская проводка.

FUNDAMENTALS OF ORGANIZATION OF PROBLEM ASSETS ACCOUNT IN COMMERCIAL BANKS

In the article, the essence of problem assets of commercial banks, such concepts as "problem asset", "problem loan", "non-performing loan", "idle loan" were studied in scientific observation, the author's approach was formed. The structure of assets in banks, including the structure of problem assets, was analyzed, the importance of their correct reflection in accounting and the accounting process were studied. Proper organization and accounting of problem assets allows you to take into account the possible losses on them.

Keywords: commercial bank, asset, problem asset, account, accounting, accounting entry.

Кириш

Ўзбекистон Республикасида банк секторини ислоҳ қилишнинг асосий йўналиши сифатида кредит портфели ва таваккалчиликларни бошқариш сифатини яхшилаш, кредитлаш ҳажмларининг мўътадил ўсишига амал қилиш,

мувозанатлашган макроиктисодий сиёсат юритиш, молиявий таваккалчиликларни баҳолаш учун технологик ечимларни татбиқ этиш орқали банк тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш[1] белгиланганлиги банк активлари сифатини яхшилаш зарурлигини белгилайди.

Шунингдек, банклар 2021 йил 1 январдан бошлаб, МХХС асосида бухгалтерия ҳисоби юритиш, 2021 йил якунларидан бошлаб молиявий ҳисоботни МХХС асосида тайёрлаши[2] лозимлиги банк операцияларини, активлари, жумладан, муаммоли активларни МХХСлари асосида ҳисобга олишни талаб қилади.

Пандемия шароитида хўжалик юритувчи субъектлар ва жисмоний шахсларда молиявий қийинчиликларнинг юзага келиши муаммоли кредитларнинг жами кредитлардаги улуши йил бошига нисбатан 1,4 фоизга ошиб, 2020 йил 15 июль ҳолатига 2,9 фоизни ташкил қилмоқда.

Ушбу ҳолатлар муаммоли активлар тўғрисида тезкор, ишончли маълумотларни тақдим этиш учун уларни МХХСлари асосида ҳисобга олиш юзасидан илмий изланишларни олиб боришни талаб этади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Банк активлари тўғрисида асосий маълумот оладиган банк молиявий ҳисоботларида активлар соф ҳолатда акс эттирилиши, ташқи фойдаланувчилар учун уларнинг сифати тўғрисида маълумотга эга бўлиш мушкул. Активлар сифати ёмонлашганини бухгалтерия ҳисобининг ички фойдаланувчилари агар улар бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларида акс эттирилган бўлса билишлари мумкин. Активлар сифатининг ёмонлашуви унинг муаммоли активга ўтаётганлигидан далолат беради.

Хўш, муаммоли актив ўзи нима, у қандай пайдо бўлади? Мана шу саволларга жавоб излаб кўрсак.

Махаллий ва хорижий илмий ва махсус адабиётларни кўриб чиқадиган бўлсак, уларда муаммоли активларни кўпинча кредитлар билан боғлайди, ҳамда “муаммоли актив”, “муаммоли кредит”, “ишламайдиган кредит”, “харакатсиз кредит” каби тушунчалар билан ифодалайди.

Тухтабаев муаммоли кредитлар кредит рискларининг амалда яққол намоён бўлишининг натижасидир, яъни кредит рискларини тўғри бошқара олмасликнинг оқибати бўлиб ҳисобланади[3]. Кредит рискини юзага чиқиши кредит ва унинг фоизи бўйича тўловларнинг ўз вақтида амалга оширилмаслигини келтириб чиқаради.

Абдуллаев, Қоралиев ва бошқалар муаммоли кредитларни муддати ўтган, фойда келтирмаётган кредитлар[4] сифатида қарайди.

Абдуллаева банкнинг кредит портфели ва унинг сифати тўғрисида аниқ маълумотга эга бўлмаслик, зарур ҳолларда олдиндан чоралар кўрилмаслик натижасида муаммоли кредитлар юзага келиши мумкинлигини ва улар рискларни минимал даражадага етказишга тўсик бўлишини[5] қайд этади.

Дудинец муаммоли банк активларини уларнинг қайтишига шубҳа туғдирадиган ёки уларни жойлаштириш ёхуд ишлатишдан иқтисодий фойда олмаслик эҳтимоли бўлган банк активлари[6] сифатида қарайди. Ушбу таърифда

банк активлари турлари ҳисобга олинган ҳолда муаммоли активларга берилган таъриф сифатида қараш мумкин.

Олимлар ва меъёрий ҳужжатларда “муаммоли актив”, “муаммоли кредит”, “ишламайдиган кредит”, “ҳаракатсиз кредит” каби тушунчалар турли ҳил ракурсларда кўриб чиқилганлини кўришимиз мумкин.

Фикримизча, банк муаммоли активларига қуйидаги ёндашувни киритса мақсадга мувофиқ бўлади: муаммоли актив - бу банк жойлаштирган ресурсларнинг бир қисмини қайтмаслиги ёки банк ихтиёридан чиқиб кетиши, ҳисобланган даромадларни ололмаслиги натижасида юзага келиши мумкин бўлган йўқотишлар (зарарлар) риски бўлган банкнинг активлари ва молиявий мажбуриятлари.

Ушбу таърифда банкнинг баланسدан ташқари мажбуриятлари ҳам ҳисобга олинди, чунки уларни банк маблағларини тақсимлаш шаклларида бири сифатида кўриб чиқиш мумкин. Бундан ташқари, ушбу таъриф банк ресурсларини қайтармаслик ёки уларни тасарруф этиш рискига асосланган, чунки бу банк зарар кўриши билан боғлиқ. Шу билан бирга муаммоли актив турлари ва уларни бухгалтерия ҳисобида акс этирилиши ҳам ҳисобга олинган деб айтиш мумкин.

Яъна шуни қайд этиб ўтиш керакки, муаммоли актив бу фақат муаммоли ёки ишламайдиган кредит эмас, улар муаммоли кредитга нисбатан кенгрок тушунча. Сабаби муаммоли актив сифатида қуйидагиларни ҳам таснифлаш мумкин: муаммоли кредит; муаммоли лизинг; муаммоли факторинг; муаммоли дебиторлик қарздорлик; муаммоли инвестициялар; муаммоли сотиб олинган қимматли қоғозлар; бошқа банклардаги муаммоли маблағлар; муаммоли баланسدан ташқари активлар; муаммоли ундирилмаган даромадлар; муаммоли бошқа активлар.

Бухгалтерия ҳисоби - бу банкларга ресурсларни шакллантириш ва уларнинг жойлаштириши, молиявий натижалар, захиралар мавжудлиги ва банк фаолиятини бошқариш учун зарур бўлган бошқа маълумотлар билан таъминлайдиган тизим[7]. Бундан кўриниб турибдики банкларда бухгалтерия ҳисоби банк операциялари тўғрисида маълумотлар билан таъминлаб берадиган тизим ҳисобланади.

Бухгалтерия ҳисоби барча хўжалик операцияларини яхлит, узлуксиз, ҳужжатлар асосида ҳисобга олиш йўли билан бухгалтерия ахборотини йиғиш, қайд этиш ва умумлаштиришнинг тартибга солинган тизимидан, шунингдек унинг асосида молиявий ва бошқа ҳисоботни тузишдан иборатдир[8]. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонунида бухгалтерия ҳисобига бундай таърифнинг берилишида ҳам бухгалтерия ҳисоби ахборотлар билан таъминлайдиган тизим сифатида эътироф этилган.

Тадқиқот методологияси

Мақолада илмий мушоҳада, гуруҳлаш, баҳолаш, умумлаштириш, таққослаш, қиёсий таҳлил, индукция ва дедукция, иқтисодий-статистик, тизимли ёндашув ва бошқа усуллардан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

Сўнгги йилларда банкларнинг капиталлашуви, ликвидлиги ва ресурс базасини янада мустаҳкамлаш ҳамда, уларнинг инвестицион фаоллигини янада оширишга қаратилган изчил ва аниқ мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилиши натижасида йилдан йилга банкларнинг активлар салмоғи кўпайиб бормокда.

Банк активлари таркиби банк баланси маълумотлари асосида умумлаштирилган ҳолда тақдим этилади. Банк активлари таркибида энг юқори улушга кредитлар эга бўлиб, 2019 йилда жами активларнинг 76,1 фоизни ташкил қилган, ўтган йилларга нисбатан ўсиш тенденциясига эга. Ушбу маълумотлар тижорат банкларининг молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботдан нетто шаклидан олинган, яъни банкларнинг соф активларини кўрсатган. Кредитлардан кейинги ўринда Марказий банкдаги ва бошқа банклардаги маблағлар эгаллаган. Даромад келтириш нуқтаи назардан кредитлардан кейинги ўринда турувчи инвестициялар ва бошқа қимматли қоғозлар улуши 2019 йилда 1,2 фоизни ташкил қилиб, 2016 йилга нисбатан 0,6 фоизга камайган. Банкларнинг асосий воситалари суммар жихатдан ошиш кузатилган бўлса-да, активлардаги улуши 2,1 фоизга эга. Банклар томонидан сўнгги йилларда масофавий банк хизматларни кўрсатиш, банк хизматлари марказларини очиш билан боғлиқ асосий воситаларни харид қилиш ва реконструкция харажатларининг ошиши билан тавсифланади.

1-жадвал

Тижорат банклари активлари таркиби[9]

Кўрсаткичлар номи	2016 й.		2017 й.		2018 й.		2019 й.		Ўзгариши, 2019/2016	
	трлн. сўм	улуши, фоизда	трлн. сўм	улуши, фоизда	трлн. сўм	улуши, фоизда	трлн. сўм	улуши, фоизда	трлн. сўм	улуши, фоизда
Кассадаги нақд пул ва бошқа тўлов ҳужжатлари	1,3	1,6%	4,8	2,9%	5,3	2,5%	6,6	2,4%	5,2	0,8%
Марказий банкдаги маблағлар	12,0	14,2%	14,9	8,9%	11,4	5,3%	14,8	5,4%	2,8	-8,8%
Бошқа банклардаги маблағлар-резидент	4,3	5,1%	6,7	4,0%	6,4	3,0%	10,1	3,7%	5,8	-1,4%
Бошқа банклардаги маблағлар-норезидент	6,6	7,8%	18,3	11,0%	13,5	6,3%	15,4	5,7%	8,8	-2,1%
Инвестициялар ва бошқа қимматли қоғозлар	1,5	1,8%	1,6	1,0%	2,3	1,1%	3,2	1,2%	1,7	-0,6%
Мижозларнинг молиявий инструментлар бўйича мажбуриятлари	1,1	1,3%	2,5	1,5%	1,9	0,9%	0,4	0,2%	-0,7	-1,1%
Кредит қўйилмалари, (соф)	52,0	61,9%	108,5	65,1%	164,7	76,8%	207,6	76,1%	155,6	14,2%
Асосий воситалар, (соф)	1,8	2,1%	2,3	1,4%	3,5	1,6%	5,7	2,1%	3,9	0,0%
Активлар бўйича ҳисобланган фоизлар	0,6	0,7%	1,4	0,8%	2,8	1,3%	3,3	1,2%	2,7	0,5%
Банкнинг бошқа хусусий мулклари	0,4	0,5%	0,3	0,2%	0,2	0,1%	0,4	0,1%	0,0	-0,4%
Бошқа активлар	2,5	2,9%	5,2	3,1%	2,4	1,1%	5,3	1,9%	2,8	-1,0%
Жами активлар	84,1	100%	166,6	100%	214,4	100%	272,7	100,0%	188,7	0,0%

Банкларда бухгалтерия ҳисобини тўғри ташкил этиш катта аҳамиятга эга, чунки бухгалтерия ҳисоби ва назоратнинг самарали ташкил этилиши банк функцияларининг тўғри бажарилишини таъминлайди. Бунинг учун бухгалтер маълум билимларни, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг асосий тамойиллари ва усулларини тушунишни талаб қилади.

Банкларда бухгалтерия ҳисобининг асосий мақсади ундан фойдаланувчиларни ўз вақтида тўлиқ ҳамда аниқ молиявий ва бошқа бухгалтерия ахбороти билан таъминлашдан иборатдир[10]. Ушбу фикрдан ҳам кўриш мумкинки бухгалтерия ҳисоби ахбороти ундан фойдаланувчиларига аниқ ва сифатли етказиб бериши керак.

Бухгалтерия кўпинча бизнеснинг тили деб аталади, чунки у қарор қабул қилувчиларга маълумотни етказишда ноёб луғатдан фойдаланади[11]. Бухгалтерия ҳисоби бизнес тили деб аталиши ҳам бежиз эмас, сабаби ушбу маълумотлардан инвесторлар, ҳамкорлар ўз фаолиятида ҳам фойдаланиб, иқтисодий қарорларни қабул қилади.

Шу нуқтайи назардан, 2020 йил 24 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4611 Қарорининг қабул қилиниши банкларда бухгалтерия ҳисобини халқаро стандартларга янада яқинроқ ташкил этиш бўйича муҳим қадамлардан бўлди. Тижорат банклари эндиликда бухгалтерия ҳисоби юритилишини МҲХС асосида ташкил этиши ва молиявий ҳисоботни МҲХС асосида тайёрлаши банкларда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этишини такомиллаштиришни назарда тутди.

Банк тизими бухгалтерия ҳисобининг бир қатор муҳим ва қизиқарли масалаларини ҳал қилиш учун бой ва фойдали муҳитдир[12]. Бунинг асосий сабабларидан бири ҳар қандай хўжалик юритувчи субъект, ҳукумат, жисмоний шахслар банк мижози ҳисобланади. Улар банкларда амалга оширган операциялари албатта бухгалтериясида ҳисобга олинади. Ушбу маълумотлардан жисмоний шахслар ўз банк ҳисобварақларидаги маблағлари тўғрисида хабардор бўлади, хўжалик юритувчи субъектлар ўз бухгалтерия ҳисобини юритишда фойдаланилади.

Активлар, мажбуриятлар, хусусий капитал, захиралар, даромадлар, харажатлар, фойда, зарарлар ва уларнинг ҳаракати билан боғлиқ хўжалик операциялари бухгалтерия ҳисобининг объектларидир[13].

МҲХС ларига асосан банк бухгалтерия ҳисобининг объекти бўлиб, актив, мажбурият, хусусий капитал, даромад, харажат ва улар билан боғлиқ бўлган операциялар ҳисобланади.

Активлар - субъект назорат қиладиган, келгусида улардан даромад олиш мақсадида аввалги фаолият натижасида олинган иқтисодий ресурслардир[14]. Бундан кўриниб турибдики банк активи унинг ихтиёрида бўлиб, ўз қийматини сақлаши ҳамда келажакда иқтисодий наф келтириши лозим.

Банкнинг активлари аввалги битимлар ва бошқа воқеаларнинг натижасидир. Банклар одатда активларни сотиб олиб ёки ҳосил қилиб унга эга бўладилар, бироқ, бошқа битимлар ва воқеалар активларни кўпайтиришга имкон беради. Масалан, тижорат банки томонидан мижозларга берилган кредитлар, лизинг, факторинг ва ҳоказолар. Келгусида кутиладиган битимлар ва бошқа воқеалар ўзидан ўзи активларнинг пайдо бўлишига олиб келмайди[15]. Банк активлари уларни сотиб олиши, маблағларни жалб қилиш, пул маблағларини қарзга бериш, моддий, номоддий кўринишга ўтказиш, балансдан ташқари операцияларни

амалга ошириш натижасида, молиявий мажбуриятларнинг юзага келиши билан шаклланади.

Тижорат банкларида муаммоли активлар ҳисобининг объекти бўлиб, қиймати, rischi ва қайтишида муаммоси мавжуд бўлган кредит, лизинг, факторинг, дебитор қарздорлик, инвестициялар, сотиб олинган қимматли қоғозлар, бошқа банклардаги маблағлар, балансдан ташқари активлар, ундирилмаган даромадлар, бошқа активлар ва улар бўйича яратилган захиралар, активлар бўйича кутилаётган зарарлар ҳисобланади.

Бухгалтерия ҳисобида муаммоли актив сифатида тан олиними, яъни бухгалтерия ҳисоби регистларида ва молиявий ҳисоботларда акс эттириш вақтини аниқ бўлиши жуда муҳим ҳисобланади.


Банкларда бухгалтерия ҳисобида тан олиш - элемент таърифига жавоб берадиган ва тан олиш мезонларини қондирадиган муайян моддани пул суммаси кўринишида акс эттириш ва баланс ёки фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботга киритиш жараёни[16] тушунилади. Яъни муаммоли актив сифатида бухгалтерия ҳисобида акс эттирилиши учун аввало актив муаммоли актив сифатида таснифланиши лозим.

Ушбу таснифни банклар Ўзбекистон Республикаси меъёрий ҳужжатлари асосида олиб боради. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2015 йил 14 июлдаги “Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида” ги 2696-сонли низом, 2004 йил 24 январдаги “Фоишларни ўстирмаслик тўғрисида”ги 1304-сонли низом ҳамда ҳар бир тижорат банки ўз ҳисоб сиёсатида уни алоҳида қайд этиб ўтиш керак. Шу билан бирга МҲХС 9 – Молиявий воситалар стандартидан фойдаланиш керак.

Фикримизча, ушбу меъёрий ҳужжатлар асосида тижорат банклари миллий қонунчилик нормалари, халқаро ташкилот талаблари, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида муаммоли активлар билан ишлаш ва ҳисобини юритиш бўйича алоҳида тартиб ишлаб чиқиш лозим.

Ушбу тартибда ҳар бир муаммоли активнинг юзага келиши сабабларини аниқлаш, улар бўйича юзага келиши мумкин бўлган зарарларни ҳисоб-китоб қилиш, уларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш, банк рискларини аниқлаш ва башорат қилиш, аниқ математик формулалар ёрдамида ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиблари ҳамда банкнинг қайси таркибий бўлинмалари ушбу ишни олиб бориши қайд этилиши керак.

Маълумки, республикада банк амалиётида сифати «қониқарсиз», «шубҳали» ва «умидсиз»[17] деб таснифланган активлар муаммоли ҳисобланади.



**1-расм. АТБ Ўзсаноатқурилишбанк кредитларининг сифати [18]
(01.01.2020 йил ҳолатига, млрд. сўм)**

АТБ Ўзсаноатқурилишбанк кредитларининг сифатига эътибор берсак, 2020 йил 1 январь ҳолатига стандарт кредитлар 71,68 фоизни, субстандарт кредитлар 27,28 фоизни, қоникарсиз кредитлар 0,67 фоизни шубҳали ва умидсиз кредитлар эса 0,4 фоиз атрофида. Бу банк кредитлари сифати яхши деб баҳоласа бўлади.

Стандарт кредитлар бўйича захира 30911 Стандарт активлар бўйича захира ҳисобварағида ҳисобга олинади, ушбу ҳисобварақга 31206 Соф фойда (зарар) ҳисобварағидан маблағ ажратилади.

Кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захирасини шакллантириш куйидаги проводка орқали расмийлаштирилади:

Дебет 56802 - Кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш

Кредит 12199-15599 - берилган кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)

Умидсиз кредитларни эҳтимолий зарарларни қоплаш захиралари ҳисобидан қоплаш тўғрисидаги қарор банк Бошқаруви томонидан қабул қилиниб, бу ҳақда банк Бошқаруви банк Кенгашига уч кунлик муддат ичида маълумот беради.

Зарарларни қоплаш захиралари ҳисобидан қопланган ишончсиз активларнинг ҳисоби “Кўзда тутилмаган ҳолатлар” ҳисобварағида юритилади. Бунда куйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:

Дебет 12199-15599 - берилган кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)

Кредит Тегишли актив ҳисобварақ.

Тижорат банки ўз ихтиёрида бўлган маблағларни даромад олиш мақсадида активларга жойлаштирганда, активлар маблағларнинг қийматини сақлаш билан бирга даромад ҳам олиб келиши лозим бўлади. Банк активлари даромад олиб келмасдан, зарар келтиришни бошласа ушбу актив муаммоли активга ёки ишламайдиган активга айланиб қолади. Ишламайдиган активлар салмоғи ошиб борган сари банк активлари сифати пасайиб, даромадлилиги тушиб, банкнинг миждозлари олдидаги мажбуриятлари бажарилмаслигига олиб келиши мумкин.

Муаммоли активлар ҳисобида бухгалтерия ҳисобининг узлуксизлик, ишонччилик, кўрсаткичларнинг қиёсланувчанлиги тамойиллари билан бирга

муҳимлилик тамойилини қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади. Муаммоли активларни ҳисобга олиш ва бартараф этиш амалиёти самарали бўлиши учун уларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш зарур бўлади. Шу билан бир қаторда, мазкур сабабларни аниқлаш ва уларни таснифлаш муаммоли активларни бартараф этиш жараёнининг энг асосий ва дастлабки босқичларидан биридир.

Хулоса ва таклифлар

Тижорат банкларида муаммоли активлар моҳияти, уларни ҳисобга олишнинг назарий асослари ўрганилди ва қуйидаги хулосалари шакллантирилди.

1. Махаллий ва хорижий илмий ва махсус адабиётларда муаммоли активларни кўпинча кредитлар билан боғлайди, ҳамда “муаммоли актив”, “муаммоли кредит”, “ишламайдиган кредит” (non-performing loans (NPLs)), “харакатсиз кредит” каби тушунчалар билан ифодалайди.

2. Муаммоли актив - бу банк жойлаштирган ресурсларнинг бир қисмини қайтмаслиги ёки банк ихтиёридан чиқиб кетиши, ҳисобланган даромадларни ололмаслиги натижасида юзага келиши мумкин бўлган йўқотишлар (зарарлар) рисқи бўлган банкнинг активлари ва молиявий мажбуриятлари.

3. Тижорат банкларида муаммоли активлар ҳисобининг объекти бўлиб, қиймати, рисқи ва қайтишида муаммоси мавжуд бўлган кредит, лизинг, факторинг, дебитор қарздорлик, инвестициялар, сотиб олинган қимматли қоғозлар, бошқа банклардаги маблағлар, балансдан ташқари активлар, ундирилмаган даромадлар, бошқа активлар ва улар бўйича яратилган захиралар, активлар бўйича кутилаётган зарарлар ҳисобланади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш старегияси тўғрисида”ги ПФ-5992-сонли Фармони

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4611-сон қарори, 2020 йил 24 февраль

3. Тухтабаев У.А. Муаммоли кредитлар ва уларни бартараф этиш йўллари. и.ф.н. илмий даражасини олиш учун дисс. Автореферати. – Т.: 2008. – 24 б.

4. Абдуллаев Ё., Қоралиев Т., Тошмуродов Ш., Абдуллаева С. Банк иши. Ўқув қўлланма-Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2009 йил, 548 бет.

5. Ш.З.Абдуллаева. Банк рисклари ва кредитлаш. –Т.: Молия, 2002. 304 б.

6. Дудинец Л.А. Теоретические подходы к определению сущности проблемных активов банка. Экономика и банки, (2), 28-35. <http://ojs.polessu.by/EВ/article/view/398>

7. Бухгалтерский учёт в банках. Учебник / Умаров З.А., Муругова И.А., Бабаева Г.Я. – Т.: “Iqtisod-moliya”, 2019 г. - 560 с.

8. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуни 2016 йил 13 апрель, ЎРҚ-404-сон

9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий сайти (www.cbu.uz) маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди

10. Банкларда бухгалтерия ҳисоби. Дарслик. Омонов А.А., Қоралиев Т.М. – Т.: “Иқтисод-молия”, 2014 й. 295 б.
11. Henry Dauderis David Annand Introduction to Financial Accounting, Second Edition, Printed and bound in Canada by Athabasca University 2014, 792 p. – С. 2
12. Gerald J. Lobo Accounting research in banking – A review // China Journal of Accounting Research 10 (2017) 1–7 www.elsevier.com/locate/cjar
13. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуни 2016 йил 13 апрель, ЎРҚ-404-сон
14. Conceptual Framework for Financial Reporting <https://www.ifrs.org/issued-standards/list-of-standards/conceptual-framework/>
15. Banklarda moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari: Darslik / Z.A.Umarov, A.K.Ibragimov, N.K.Rizaev, M.D.Marpatov – Т.: «Iqtisod-Moliya», 2019 – 516 б.
16. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Тижорат банкларида фоизларни ҳисоблаш тўғрисида”ги 1306-низом, 2004 йил 30 январь
17. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида” ги 2696-сонли низоми. 2015 йил 14 июль
18. АТБ Ўзсаноатқурилишбанк ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди